

O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY,
MA'NAVIY-MARIFIY,
IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan
chiqa boshlagan

2023-yil 19-may
№19 (4730)



Долзарб мавзу

ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Сир эмаски, глобаллашув замонида мамлакат келажакни кафолатловчи барча соҳа ва лойиҳалар муваффақиятини таъминлаш замонавий билимларни пухта эгаллаган бугунги ёшлар зиммасидир. Яқинда ўтказилажак сайловда овоз берувчиларнинг катта қисмини ҳам ёшлар ташкил этади.



Уларни ватан тақдирига дахлдорликни теран хис қиладиган, тараққийпарвар, эл-юртга садоқатли, интеллектуал салоҳияти юкори авлод бўлиб шаклланиши айна пайтда ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислохотларимиз самарасига бевосита боғлиқ. Ўқув-тарбия жараёнини ҳозирги замон талаблари даражасида такомиллаштириб, таълим тизимининг ривожини таъминловчи масъул шахслар эса, шубҳасиз, ўқитувчи-педагоглардир.

Ўқитувчи мақомини оширмай туриб, таълим сифатини ошириб бўлмайди. Таълим сифатини оширмай туриб, малакали мутахассисларни тайёрлаш имконсиз. Ўқитувчи мақомини Конституция даражасида белгилаш, унинг касбий фаолияти дахлсизлиги ва давлат химоясида бўлишини таъ-

минлаш педагог кадрлар салоҳиятини ривожлантириш билан бирга, мамлакатимиз таълим тизимининг юқалишига ҳам хизмат қилади. Шу боис Янги Конституциянинг тегишли моддаларига кўра, таълим тизимини янада такомиллаштириш, ушбу касб эгалари ижтимоий химоясини кафолатлаш, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимини, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, яъни давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини ривожлантиришни давлат даражасида қўллаб-қувватлаш белгиланди.

Юртимиз тараққиётини янги сифат босқичига кўтаришнинг кафолати сифатида қабул қилинган Янги Конституциямизнинг нафақат ижтимоий соҳаларга, балки

давлат бошқарувига оид моддаларига ҳам жиддий қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, президент ваколати муддати 5 йилдан 7 йилга узайтирилди. Жорий йилнинг 30 апрел куни бўлиб ўтган референдумда иштирок этган сайловчилардан 90 фоиздан ортиқроғи Янги Конституцияга киритилган ўзгаришларни маъқуллаб овоз берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 8 май куни референдум яқунлари бўйича ўтказилган учрашувда Ўзбекистонда муддатидан илгари президент сайлови ўтказилишини маълум қилди. Бундай қарорга келиш учун объектив зарурат бўлиши керак, албатта. “Нима учун, қолган уч ярим йиллик Президентлик муддатидан ўз ташаббусим билан воз кечдим?” – деди давлатимиз раҳбари ўша учрашувдаги нутқида. – Чунки ўзингиз кўриб турибсиз, Асосий қонуниimizга мувофиқ, биринчидан, ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислох қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувоzanат жиддий ўзгармоқда”. Бундан ташқари, куйидаги муҳим сабаблар ҳам айтилди:

Иккинчидан, янгиланган Конституциямиз Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдига кенчиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сабабларни қўймоқда.

Учинчидан, халқимиз биздан барча соҳаларда гоят муҳим ва долзарб ўзгариш ва ислохотлар кутмоқда.

Тўртинчидан, дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни

амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланмоқда.

Ўзи сиёсатчи бўлмасан-да, бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётни кузатиб турган шахс борки, у ўқитувчи ё талаба бўладими, қимлигидан қатъи назар, санаб ўтилган омиллар ҳақиқатидан шунчаки кўз юма олмайди. Мамлакатнинг порлоқ истиқболга кўз тиккан ҳар бир ватандошимиз конституцион ислохотлар зарурати ва рўёбидан бевосита манфаатдор инсон сифатида бугунги сиёсий ўзгаришлар моҳиятини ҳис қилиб турибди. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-ва 128-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 66-моддасига асосан муддатидан илгари ўтказиладиган Президент сайлови 2023 йил 9 июл кунига белгиланди.

Марказий сайлов комиссияси 15 май куни Ўзбекистондаги бешта сиёсий партияга бўлиб ўтадиган муддатидан аввалги Президент сайловида иштирок этишга руҳсат берди. Тўртта сиёсий партия президент сайловига ўз номзодларини эълон қилди. Халқ демократик партиясидан Улугбек Иноятов, ЎзЛиДеП партиясидан Шавкат Мирзиёев, “Адолат” партиясидан Робохон Маҳмудова, Экологик партиядан Абдушукур Хамзаев номзоди кўрсатилди.

Референдумда фаол иштирок этиб, янги Конституция лойиҳаси юзасидан таклифлар берган ва ислохотлар самарасига чин дилдан ишонган биз педагоглар ҳамда талаба ёшлар муддатидан илгари ўтказиладиган президент сайловида ҳам, албатта, муносиб номзодга овоз беришга тайёрмиз. Чунки биз кутаётган улкан ўзгаришлар фаоли-

ятимиз, ҳаётимиз ва келажакимизга дахлдорлигини теран англаймиз.

Зеро, янги Конституциянинг 51-моддасида фуқароларнинг давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олиш ҳуқуқи кафолатланди. Олий таълим муассасалари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқот ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга бўлди. Янги норма ёшлар учун ҳам олий маълумот олиш масаласида давлатнинг янги мажбуриятини белгилайди. Сўнгги йилларда олий ўқув юртига кириш квоталари 28 фоизга етди (6 йил олдин бу кўрсаткич атиги 9 фоиз эди). Давлат грантлари сони 21 мингдан 47 минггача ошди. Абитурientлар бирданга 5та маҳаллий университетни танлаш имкониятига эга бўлди, илгари фақат биттасига ҳужжат топшириш мумкин эди. Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг турли шакллари – кундузги, сиртки, кечки ва масофавий таълим турларига ўтди. Энди ҳужжатларни топшириш учун онлайн рўйхатдан ўтиш керак, холос. Абитурient пойтахт университетига ҳужжат топширган бўлса ҳам ўз яшаш жойида кириш тестини топшириши мумкин. Айниқса, олий маълумот олиш истагидаги қизларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани алоҳида эътиборга молик. Бундай ўзгаришлар бизни нафақат руҳлантиради, келажакка улкан ишонч билан қараб, Ватан хизматига камарбаста бўлишга ҳам ундайди.

Чарос ТЕМПРОВА,
Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти доценти, тарих фанлари номзоди

Шеърлий лаҳза

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ОМОН-ОМОН ҚУШИКЛАРДАН АЙТИ

Омон-омон қўшиқлардан айт,
Алвон-алвон қўшиқлардан айт,
Оҳанг бўлиб қўшиққа бу кеч
Қўшилишиб кетадиган пайт.
Омон-омон қўшиқлардан айт.

Юракларга ўт бўлиб кириб,
Ўзинг ҳам куй, куйла куйдириб.
Бари-бари тушсин ёдимга,
Бари-бари чиқсин олдimgа.

Йироқдаги оппоқ соч онам
Келмоқдадир кипригида нам,
Онам, онам тушсин ёдимга.

Қамчин уриб келмоқда отам,
Отин суриб келмоқда отам.
Сурон солиб яшаб кетди у,
Ғолиб-ғолиб яшаб кетди у.
Қамчин уриб келмоқда отам.

Одил Дароз бор эди бир чок,
Отагинам сирдоши эди.
Кўмсаб қолар Дарозни гоҳ-гоҳ
Чавандозлар давраси энди.
Одил Дароз бор эди бир чок.

Айтаверсам жонга тушар ўт,
Ёш тўқмоққа чоғланар булут.
Туташмоқда ўтларга қўқсим,
Қўй, яхшиси, мен тинглайин жим,
Ўзинг алвон қўшиқлардан айт,
Омон-омон қўшиқлардан айт.

Сарвар АЗИМОВ таваллудининг 100 йиллиги



Ўзвучи, жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон халқ ўзвучиси, филология фанлари доктори Сарвар Азимов драматик асарлари, адабиётшуносликка доир илмий-назарий китоблари билан ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб қўшган ижодкор, давлат ва жамоат арбоби эди. Хусусан, унинг ташаббуси билан “Ёшлик” журнали ташкил этилиб, “Ўзбекистон маданияти” газетаси шаклланди ва мазмунан ўзгариб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” деб номланган.

Яхшилар ёди

“ЎЗИНГГА ҚАЙТАМАН, ОНАЖОН ТУПРОҚ...”

Инсон фикратида Ватан қандай улғайиб, юракнинг тубига томир отади? Кўз қорачиғингиздаги Ватан суврати ўзга қалбда қандай жилоланиб, сизни ўзинга мафтун қиладиган руҳингиз кенгликларидан ифрланади?

... Бешинчи синф ўқувчиси эдим. Тўсатдан бир шеърга кўзим тушди:

Жажжи гўдак тиниқ кулади,
Қош ўйнаиб, илқ кулади.
Пучук десам, десам ҳам полвон,
Мунчоқ кўзи ёниб кулади,
Қониб, қониб, қониб кулади,
Қулгусида келгуси аён...

Эссе

миз шундай кечган эди. “Тун сиёҳин қолдирар лол, қошганиннинг қораси, лек узокдир, дейди қизлар, бунчалар ҳам ораси. Қайга ҳам учиб кетардим, гул диёрим қўйнидан, бўлгусиман шу чаманинг сунбулу гулдораси...” Сўз энди шоиранинг юрак кенгликларидан қисматга айланиб бораётган эди. Мен бўлсам бола қалбим билан шоирага боғланиб қолган, унинг шеърларини магбуот саҳифаларидан қидирар эдим...

Кейинчалик йиллар асносида мен Ойдин Ҳожиевнинг босиб ўтаётган бутун ҳаёт ва ижод йўлида барчамиз учун азиз бўлган она-Ватанинг бетакрор сувратларини кўрдим. Зукко олим, шоирларимиз ҳақида ўзбекона лутф қилиб кетган раҳматли Тўхтасин Жалолов Ойдин опамнинг ижодларини таҳлил қилар экан “Киройи кизинг шундай бўлса” деб ҳавас билан юксак баҳо берган эдилар.

Шеър бир ўқишмадэк ёд бўлди. Шоира Ойдин Ҳожиева билан олислардан туриб илк танишуви-

Хотира уйғонса гўзалдир

ҚАЛБЛАРИМИЗ АРДОҒИДА

Ўзбекистон халқ шоири, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибаси Ҳалима Худойбердиева таваллудининг 76 йиллиги муносабати билан шоира номидаги ижод мактабида адабий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Дастлаб атоқли шоира хайкали пойига гуллар қўйилди. Бир гуруҳ таниқли шоир, ўзвучи, адабиётшунослар ва эл суйган санъаткорлар мактаб музейида бўлиб, Ҳ.Худойбердиева ҳаёти ва ижодига оид экспонатларни кўздан кечиришди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид Ҳалима Худойбердиеванинг ўзбек шеърини ривожига қўшган бекиёс хиссаси ҳақида гапирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қўлибека Раҳимбоева, “Маънавий ҳаёт” журнали бош муҳаррири Эшқобил Шукур ва бошқалар унутилмас хотиралари билан ўртоқлашди.

Сирдарё вилояти мусикали драма театрида шоира ҳаёти ва ижоди акс этган фотогалерея ҳамда унинг китоблари кўргазмаси ташкил этилди. Таниқли ўзвучи Абдуқаюм Йўлдошев қаламига мансуб “Юрағида йўлбарс ётган аёл” спектаклидан парчалар намойиш қилинди.

Ўзбекистон халқ артисти Замира Суянова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожибар Азизова, таниқли эстрада хонандлари Умида Мирхамидова ва Ҳилола Ҳамидованинг шоира шеърларига басталangan қўшиқлар ижроси ҳамда “Навбахор” ракс ансамбли раққосаларининг чиқишлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Адабий дўстлик – абадий дўстлик

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Халқаро Ёзувчилар гильдияси вакилларининг ўзбек ёзувчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Халқаро ёзувчилар гильдияси раҳбари, германиялик Лада Баумгартен, Исроилдан Валентина Бендерская, Бельгиядан Елена Яхненко, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, адиб ва шоирлар, адабиётшунослар катнашди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Халқаро Ёзувчилар гильдияси фаолияти

ХАЛҚАРО ЁЗУВЧИЛАР ГИЛЬДИЯСИ вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрди

ҳақида видеоролик намойиш этилди.

– Халқаро Ёзувчилар гильдияси 2010 йилда ташкил этилган, – деди Галина Долгая. – Гильдия ёши, яшаш жойи, миллати ва динидан қатъий назар, барча ижодкорларни бирлаштирган ижодий жамоат ташкилотидир. Ташкилот идораси Германияда жойлашган. Унга ёзувчи Лада Баумгартен раҳбарлик қилади.

Тадбирда “Замонавий ўзбек шеърини шарҳи”, “Замонавий босқичда Ўзбекистонда болалар адабиётининг ривожланиши” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Учрашув давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Халқаро Ёзувчилар гильдияси наشرларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА

Сарвар АЗИМОВ:

ДОНИШМАНД ХАЛҚ ТИНМАЙ ТЎҚИЙДИ



Дўст-биродарлик шайдоси. Ака-укаларини ўқитмай-камситмай яшашни одаг қилган. Аммо душманга, адолатсизликка, қора ният ва харом кимсаларга ғазаби, нафрати чексиз.

Ҳаёт андаси айтадики, ўзини билган одам, ўз кадрига етган жамият вақти-вақти билан бир силкиниб кўйини, тозаланиб олиши шарт.

Бир читтак оғзидан тушиб кетган кумурска чинорни қуритган экан.

Юрагини занг босган одамлар, сармаст каллалар йўлига ғов ташлаш зарурлиги ҳаммамиздан катта ҳиммат талаб қилади.

Очофатнинг учкур қаноти, чириллаб сакраши, тушган ерини шипшидам қилиши ваҳмининг ўзи, одамни безақдай типирлатар, гулханда кирилгани, ўраларга қаммаб устидан тупроқ тортилгани сари уруғи қайнайди, янги уюмлари пайдо бўлади, ҳатто одам боласини ҳам ямлаб ташласа.

Дунёда, гапнинг сираси айтилса, бағритош, тили захар, қўли эгри кимсалар, ўз кадриниям, ўзга хурматиниям билмас бировлар бир талай.

– Донишманд халқ, отахон, тинмай тўқийди, – дерди қўлидаги дўмбирасини созлаётган Фозил бахши. – Биз бахшилар фақат сайқал берамиз, қанотига қанот боғлаймиз. Ўнлаб дostonларни, юзлаб эртақларни, термаларни хотирда тирик сақлаш, пишириш, асрдан-асрга

олиб ўтиш, яъники, қадим аждодлар омонатини ниҳол авлодга пайванд қилиш, ундан янги ҳосил кўтариб, келажак заминининг ғамини емоқ менга ўхшашлар зиммасига юклатилган. Бу жўн ишми ва ёки мушкулми? Биллолмадим. Мехнатимиз – беминнат. Кўнгил кўнгилдан сув ичар, дейишади. Сизлар-ку, кўп йиллик кадрдонларим. Азбаройин бирон одам боласи сўзини ерда қолдириш – менга, бахши халқига ёт одаг.

Чин ижод қудратига шаҳар берсанг арзийди.

Табиятга хиёнат қилиш – ваҳшийлик, ижодга хиёнат қилиш – ноқўрлик, беномуслик.

Жиззах – она юртим.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ОЙДИН ҲОЖИЕВА



деб номланган дастлабки шеърини китоби 1970 йилда нашр қилинди. Ўзининг қарийб олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида шеърят ва публицистика жанрларида “Манзиллар”, “Мен севган қўшиқ”, “Наво”, “Хушхабар”, “Мушфиқ онажон”, “Чашмаларни излайман”, “Танланган асарлар” номли ва бошқа ўнлаб бетакрор асарлар яратиб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, онага, аёл зотига юксак эҳтиром, кадрдон заминга бекиёс меҳр каби туйғуларни ўзбек шоирларига хос юксак назокат ва ёниқ қалб билан қуйлаб ўтди.

Ўзбек адабиёти оғир жудолликка учради. Ўзбекистон халқ шоири, таникли ижодкор, жамоат арбоби Ойдин Ҳожиева 81 ёшида вафот этди.

Ойдин Ҳожиева 1942 йил 22 апрелда Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Бўстон кишлоғида туғилди. Ушбу тумандаги ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига тахсил олди. “Шарк юлдузи” журналида адабий ходим, бўлим мудирини, кейинчалик “Тулхан” журналида бош муҳаррир вазифасида хизмат қилди.

Ойдин Ҳожиева машҳур Зулфияхонимнинг муносиб издоши сифатида Ўзбекистон хотин-қизларининг “Саодат” журналида самарали ишлаб, кўп йиллар унга бош муҳаррирлик қилди. Бу даврда ушбу нашр мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган, опа-сингилларимизнинг ҳаёти, орзу-интилишларини ҳаққоний акс эттирадиган нуфузли сўз минбарига айланди.

О.Ҳожиева эл-юртимизнинг юксак эhtiрфи ва меҳрига сазовор бўлган устоз ижодкорлардан бири эди. Унинг “Шабнам”

Унинг асарлари дунёнинг ўнлаб тилларида нашр этилган эди. Ўз навбатида, Ойдин Ҳожиева кўплаб жаҳон ва қардош халқлар адабиёти етук намояндаларининг асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаол аъзоси сифатида мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, адабий жараёнларни янги босқичга кўтариш, ёш истеъдод эгалари, айниқса, ижодкор қизларни тарбиялаш борасида ҳам ибрат кўрсатди.

Ойдин Ҳожиеванинг миллий адабиётимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвони, “Эл-юрт хурмати”, “Филокорона хизматлари учун” орденлари билан мукофотланган эди.

Таникли ижодкор, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ойдин Ҳожиеванинг хотираси калбаларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, З.МАҲКАМОВА, С.САИДОВ

БУЮК ИНСОН, БУЮК ШАХС ЭДИ

Ишонч билан айта оламан, молпарастлик, бойликка интилиш, шоҳона ҳаёт ҳаваслари у кишига бегона эди. Сарвар Азимов ана шундай БУЮК ИНСОН, БУЮК ШАХС эди.

Азиз ТўРАЕВ,
давлат ва жамоат арбоби

Биз ҳозир роҳат қилиб дам оладиган Дўрмондаги ижод уйи ҳам, чиройли поликлиника ҳам Сарвар Азимов даврида бунёд этилган. Юрагида ёли бор ҳамиятли бу мухтарам зотнинг хизматини кекса авлод ҳам, ёшлар ҳам ҳеч қачон унутмайди. Мен ҳам Сарвар аканинг яхшилигини унутмайман.

Саъдулла СИЁЕВ,
Халқаро Яссавий мукофоти совриндори

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ўз ҳаёти даврида ўзгага ёмонликни раво кўрмаган, аксинча, юксак лавозимларни эгаллаб турган даврларда оддий одамларнинг оғирини енгил қилишга эриша олган Сарвар Азимов халқимиз хотирасидан ўчмайди.

Муҳиддин ПОЛВОН,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Мен Сарвар Азимовни қардош ўзбек халқининг содиқ фарзанди, оташин фидойиси, адабиётимизнинг атокли намояндаларидан бири, жонқуяр ва толмас жамоат арбоби сифатида яхши танийман. Унинг ижодиёти – пьесалари, қиссалари, ҳикоялари ва бадиий публицистик асарлари замондошларимизнинг эгзу инсонпарварлик туйғуларига, дунёда тинчлик ғоялари барқарорлиги

учун кураш руҳига тамоман ҳамоҳанг эдики, бу мени жуда қувонтиради.

Мирза ИБРОҲИМОВ,
Озарбайжон халқ ёзувчиси

Сарвар Азимов – ажойиб инсон, садоқатли дўст, акли ҳамсуҳбат ва маслаҳатгўй. Ҳар гал суҳбатлашганимда унинг бу фазилатлари яққолроқ намён бўлаверади. Шу сабабли, у билан учрашувдан сўнг ўзимнинг маънан бойиганимни ҳис этаман.

Сергей БАРУЗДИН,
“Дружба народов” журнали бош муҳаррири

Сарвар Олимжонович Азимов ҳақида шахсий фикримни икки сўз билан ифодалаш лозим бўлса, у ҳолда мен, албатта, “тафаккур қудрати” деган иборани тилга олар эдим.

Виталий ОЗЕРОВ,
дипломат

Сарвар Азимов хорижий мамлакатларда қатор йиллар элчи бўлди, ҳамма нарса пулга сотиладиган, пул ҳукмронлик қиладиган муҳитни ўз кўзи билан кўрди, инсонлик шаъни топталган, ҳуқуқсиз кишилар юраги таҳ-батаҳ қон, руҳи вайрон, қаттолликлар давлат сиёсатининг қулига айланган жамиятлар, тузумлар ҳаётининг шоҳиди бўлди. У ўз драмаларида худди ана шу ёвузлар ва эзгинлар, алдоқчилар ва ноқорлар, қотиллар ва маҳкумлар муҳитини фош этди.

Вадим КОЖЕВНИКОВ,
рус ёзувчиси

Бошланиши 1-саҳифада

Энди дилбар шоира ижодида шеърят муҳлислари она-Ватаннинг поёнсиз ҳудудларини кўраётган эди. Улуғ шоир Эркин Воҳидов: “Мен бу шоирани самимий, тиник сатрлари учун севиб ўқийман, унинг қамолот сари ташлаётган қадамни кузатаман. Ойдин шеърлари, менинг назаримда, ўшандай юксакликка етакловчи, дилларга нур олиб кирувчи шеърлар”, деб таърифлаган эдилар.

Жаннатнинг булоғидан
Сув ичган кушдекмидим.
Тангрининг дастгоҳидан
Учган кумушдекмидим.

Шоира ўзини Тангри дастгоҳидан учган кумушга менгзарди. Йўлларида оймомодек қулган момақаймоқлар диёрига олиб қирарди. Ҳар сафар ушбу сатрларни

ўқисам, қулча юзлари куёш тафтида қизарган, пуфлаб кўкка момақаймоқлардан юлдуз тўзгочларини учириб, уфқка йўл олган жажжи қизча гавдаланаверади. У ҳали ўзининг шоирлигини билмайди. Лекин унинг жажжи товонларини ўпаётган тупроқ, бўйнига осилган жийдажонлар, гурқираётган

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаётган пайтимда шоирамиз юбилейи муносибати билан саҳифа тайёрладим. Ҳар бир қутлов, ҳар бир истақда халқимизнинг сеvimли шоирасига бўлган чексиз муҳаббати гуриллаб турарди. Бир пайт хо-

“ЎЗИНГГА ҚАЙТАМАН, ОНАЖОН ТУПРОҚ...”

ёвшанлар, сочларини тўзгитаётган шамол: “сен шу поёнсиз ҳудудлар маликасисан. Сен – Ватан тимсолисан”, дейди. У шу зайдда Ватан сарҳадларидан, сўз сарҳадларидан ўтиб бораверарди.

нага шоир Муҳаммад Юсуф кириб келди ва қўлидаги қозони менга узатди. Унда қутлов билан бирга ушбу сўзлар эзилган эди: “Ойдин опанинг нигоҳида ҳамиша бир икром бор. У ҳамиша “мен аёлман, онаман” деб маънос жиламайди туради. Барча яхши сўз-

лар эса маънос нигоҳлардан тўкилади, чунки шеър қайғунинг болаларидир...

Юракнинг дарзларини
Қирғ чегачи улломас.
Синган дилга қирқ йил бекор,
Асло бутун бўлолмас...

Шоира юраклардаги дарзлар – бу табиий, оғрикли жараён бўлиб, тун ва кунини фақатгина элим, юртим деб сарфлаётган қалбадаги чизиклар бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. “Шарк юлдузи”, “Саодат” журнали, “Тулхечралар” да кечган узок йиллик захматли меҳнат... Публицистик мақолалар... Жароқатли дилларга сўздан малҳам қўйиш, амалий ёрдам бериш... Халқнинг ишончи ва умидида бўлиш... Ҳам шарафли, ҳам машаққатли дамлар... Бирок буларнинг бари қисмат чизигидаги босиб ўтилиши муқаррар бўлган синобли йўллар эди.

Адиба Олмосхон Аҳмедова: “Зулфия опа мактаби Ойдинни улғайтирди”, дейдилар...

Шоира онасини соғингандай соғинарди Зулфия опани... Дўстини соғингандай соғинарди Зулфия опани. Устозининг иссиқ дийдорини шоғирлик муҳаббати ила хур пайғомлардан изларди. “Тонг тухфалари” китобининг “Қайда энди ул азизлар” бўлими юракларни зиркиратади, ўтган ўз азизларимизнинг мангу ўчмас ёди билан дилни ёруғлантиради ва бу ўткинчи дунёда яхшиликлар ва ёруғ хотираларнинг мерос бўлиб қолмоғи ҳам саодат эканига ишоралар бериб кетади. Шоира Зулфияхонимга қараб:

Сизни соғинарман байрамларда,
Ёмғир шивалаган кўкламларда.
Давраларда, лутфу қарамларда
Иссиқ юзингизни кўргим келади.
Кўксин, кўнгли тўла эзгулик, зиё,
Қайда гуллар энди ул меҳригиде?
Дунёга бир келди-кетди Зулфия
Баҳордай қаймайди, дегим келади...

1992 йил. Туркистон. Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратлари зиёрати. Йўл бўйи баҳор чечакларининг хуш бўйи бизни элтиди. Қушлар чугури. Йўллардаги, саҳро кенгликларидagi оппоқ куёнлару тикрайиб турган юмронқозилар... шарқироқ сувлар Ойдин опани чексиз ҳа-

жонга солади. “Қаранг қаранг, – дейди худди ёш боладек энтиқиб. – Энди буларнинг бари шеър бўлади”. Чиндан Тошкентга шаррос ёгаётган ёмғир остида қайтишларимиз, йўлдаги мўъжизалар... Бари гўзал битиклар бўлган эди гўзал шоирамизнинг дафтариди. Ажиб Ватан манзумалари. Ўзбекистон халқ шоири бўлишдек юксак шарафга эришиш... Буларнинг бари ёвшан оралаб момақаймоқ юлдузчаларини кўкка номадек йўллаган ўша жажжи қизчанинг она-Ватанда қилган яхши ишларига Яратгандан берилган мукофот эди.

Мана, ўша шоира қизлар, бизнинг сеvimли Ойдин опаниз ардоқлаган шоғирлар устозини сўнги йўлга қузатгани кўзларидан дувиллаб оққан ёшлар билан теграсида ўтирибди. Улар сўзломмайди, улар фақат унсиз фйгон чекадилар. Устоз ҳақларига дуойи фотиҳа қиладилар. Қулибека, Муҳтарам, Хосият, Маҳмудохон, Ҳамроҳон, Маъсума, Муножотхон ва бошқа барча азизлар... гўё хона бурчакларидан, йўлаклар, ҳамма-ҳамма жойдан гўзал устозимизнинг нафис, ўқтам овози келаятгандай...

Ўзингдан бунёдман, ўзинг-ла тирик,
Бир дона гўл бўлиб ёки бир япроқ,
Ўчган чирогингга тола нур бўлиб,
Ўзингга қайтаман, онажон тупроқ.
Баҳмалдай тўшалдинг юрар йўлимда,
Содиқ ҳамроҳ бўлдинг ўнгу сўлимда,
Қатра шабнам бўлиб ё қатра ёмғир,
Ўзингга қайтаман, онажон тупроқ.
Сен ўзинг олсан оғриқларимни,
Тугал осон қилиб борлиқларимни,
Бахта эвирсан зорлиқларимни,
Ўзингга қайтаман, табибим – тупроқ.
Сени сокин кўрсам, осуда кўрсам,
Боғу роғларингни авжида кўрсам,
Юрагингни маром-мавжида кўрсам,
Бағрингда ниҳолдай ёзаман япроқ.
Гўзал қизларимнинг бол хандасидай,
Қизил атиргуллар алангасидай,
Ҳамалининг бўлбули хонандасидай
Ўзингга қайтаман, онажон тупроқ.



Суратда: Сеvimли шоиралар Эйтибор Охунова, Ҳалима Худойбердиева ва Ойдин Ҳожиева.

Шарифа САЛИМОВА

ФИЛОН НАВОЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган “Филон наволари” деб номланган кўргазма Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Миллий рассомлик ва дизайн институтининг “Дастгоҳли рангтаъбир” кафедраси профессори, рассом Муҳаммадиёр Тошмуродовнинг етмиш йиллик юбилейига бағишланди. Экспозициядан муаллифнинг икки юздан зиёд ижод намуналари билан бирга, ҳаёти ва ижоди акс этган



фотосуратлар ҳам ўрин олган. М.Тошмуродов замонавий ўзбек тасвирий санъатининг таникли вакиллари билан бири. У Тошкент вилояти, Янгийўл туманида туғилган, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида тахсил олган.

Рассомнинг ижоди кенг қўламли бўлиб, асарларидаги ранглар сокинлиги картина ечимига шукҳ бағишлайди. Шахри сабз туманидаги Филон кишлоғининг кундалик турмуш тарзи, очик чехрали, истейодли инсонлари рассом учун илҳом манбаидир. “Филон аёллари”, “Баланд



тоғ кишлоғи”, “Мунаввар”, “Тандир олдида” сингари ўнлаб асарларида Филон кишлоғи меҳр билан тасвирланган. Ижодкор асарларида ўзи яшаб турган борлик ва мухитни чуқур талкин қилган. Умуминсонийлик, миллийлик, инсон ҳаётининг турли паллаларига хос ҳис-туйғулар, шунингдек, муҳаббат, садоқат сингари абадий мавзудардаги бу асарлар ёрқин рангларда талкин этилган.

– Муҳаммадиёр Тошмуродов Филон кишлоғи-

га бағишланган ҳаққоний асарлари билан санъатшунослар ва тасвирий санъат иҳлосмандлари эътиборига тушган эди. Асарларининг таъсирчанлиги, томошабинни мушоҳадага ундаши унинг ижоди салмоғини кўрсатиб туради, – дейди рассом Хусан Содиков.

Рассом хорижий мамлакатлар ва юртимизда бўлиб ўтадиган кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчиси. Унинг асарлари Қозоғистон, АҚШ, Греция, Италия ва Россиядаги музей ва шахсий коллекцияларда, Филон мавзусига доир асарлари эса дунёнинг ўн етти мамлакатига сакланмоқда.

Сарвара ҚОСИМОВА

Гул қўп, чаман қўп...



Ака-ука Гриммларнинг қисқача таржimai ҳолида улар биринчи навбатда тилшунос бўлгани ва олмон халқ оғзаки ижоди тадқиқотчилари экани айtilган. Аммо улар халқ ижоди намуналарини қайта ишлаганлар ва бу эртақлар тўпلام сифатида нашр этилган. Бу уларнинг донгини дунёга дoston қилган. Ҳозирга келиб бу эртақлар дунёнинг икки юздан ортик тилларига таржима этилган.

Гримм қонуни

Улар илмий соҳада ҳам муҳим из қолдирган. Машхур эртақчилар германистика – филологиянинг алоҳида соҳаси бўлган герман тиллари ва шеваларининг тадқиқоти асос солишган. Улар кашф этган олмон тилида ундошларнинг сурилишига оид тилшунослик қонуни Гримм қонуни деб аталади.

Вильгельм башорати

Ака-ука Гриммларнинг эртақлари бир неча бор танқидга учраган, кейинчалик эса, бошқа муаллифлар томонидан қайта ишланиб, нашр этилган. Уларда ахлоққа зид тафсилотлар, шафқатсизлик сахналари ва бошқа камчиликлар бўлгани учун болаларга ўқиш учун тавсия этилмаган. Умуман, ака-ука Гриммлардан бири, аникроғи, Вильгельм халқ эртақларини болаларга “мослаштириш”, бироз юмшатиш лозимлигини айтади, аммо унинг акиси Якоб укасининг таклифини рад этади.

Адабиётнинг бўлиниши

Ака-укалар адабиётни иккига – сунъий ва табиий адабиётга бўлишган. Биринчисига шоир ва ёзувчилар яратган асарларни, иккинчисига эса халқ оғзаки ижодини киритишган. Шунинг учун улар ўзларининг эртақларини “болаларга хос бўлмаган” – асли ҳолича нашр қилишган. Эртақларни улар ўзи ёзмаган, балки герман кироликлари ва князликларига яшайтган халқ тилидан ёзиб олишган.

Саккиз ўғил, бир қиз

Аслида ака-ука Гриммлар икки киши бўлмаган, уларнинг ота-оналари саккиз ўғил ва бир қизни тарбиялашган. Фақат иккитаси – Якоб ва Вильгельм адабиётга қизиққан. Уларнинг укаси Людвиг эса, истейодли рассом бўлиб, акалари жамлаган эртақларга суратлар ишлаган. Айнан Людвиг ишлаган расмлар келажакда бошқа рассомларнинг иллюстрацияларига асос вази-фасини утаган.

Биринчи тўплам

Улар тайёрлаган биринчи тўпламга 86та эртақ жамланган бўлиб, жами 900 нусхада чоп этилган. Аммо бу тўплам чиқишидан икки йил олдин ака-укалар 49та эртақ киритилган биринчи қўлёзmani ёзувчи ва шоир Клеменс Брентаного танишиб чиқиш учун юборишади. Бироқ Брентано қандайдир сабабга кўра қўлёзmani ака-укаларга қайтармаган.

Ака-ука Гриммлар умрларининг охирида дунёда биринчи немиш тили изоҳли лугатини тузишга қарор қилишади. Афсуски, улар бу кенг қамровли ишни ниҳоясига етказишолмади, иш D ва F ҳарфларига келиб тўхтади. Аввалига Вильгельм тўсатдан вафот этади, орадан тўрт йил ўтиб навбатдаги сўзга изоҳ ёзаётган Якоб иш устида жон беради. Улар бошлаган лугатни Гёттинген университети ва Берлин фанлар академияси олимлари давом эттиришади ва бу улкан вазифа 1960 йилга келибгина ниҳоясига етади.

Гриммлар ва Андерсен

Бир гал Европа бўйлаб саёхатга чиққан Андерсен ака-ука эртақчилар билан танишишни истади. Остонада уни Якоб кутиб олади ва Ханс Христианни танишмаслигини айтади. Бундан таажубга тушган Андерсен кўзига ёш олиб қайтади. Кейинчалик Якоб Вильгельм билан бирга Андерсенинг ҳузурига меҳмонга боришади ва бу сафар узоқ давом этган дўстликка асос солади.

Навоий вилояти Қизилтепа туман ҳокимлиги ва “Янги Қизилтепа” газетаси тахририяти жамоаси
Ойдин ҲОЖИЕВАНING
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва кўп сонли мухлисларига ҳамдардлиқ билдиради.

Ўзим ўқийман



МАҚТАНЧОҚ ШАФТОЛИ

Бир куни шафтоли мактаниб қолди: – Ҳаммадан ширинман, – дея жар солди.

Бундан шамол газаб отига минди – Кўп ўтмай дарахтнинг шоҳлари синди. Богбон чопиб келди шамолдан кейин, Шафтоли ётарди қоплаб ер бетин.

Курсиса – кокиси фойда бўлар деб, Том устига ёйди, кишининг гамин еб.

Энди кушлар кўкдан томга бокдилар, Улар шафтолини чўкиб қочдилар.

Дўстлар, оғох бўлинг, мактаниш ёмон, Камтар бўлаверинг, хар қандай замон.

Кимки гар мактанса, вой бўлар холи, Мана, мактанолмас энди шафтоли.

АЙИҚ ПОЛОВОН

Ўрмонда жуда очқўз, Яшарди айиқ половон. У доим асалга дўст, Бунга бўлмангиз хайрон.

Ўрмон кезар қунига, Асалга бўлиб мафтун. Асалари инига, Қўлин тикибди бир кун.

Уни талади бошлаб Асалари галаси. Қочди бошин қучоқлаб, Қочди хатто мазаси.

Нафсин тийганда шу дам, Таланмасди арига. Энди жон огриси ҳам Чидайди-да барига.

Муштарий ТОШПҲ.ЛАТОВА,
Ҳалима Худойбердиева номидagi
Ижод мактаби ўқувчиси

Адабий-бадний нашрлар

Гарб драматургиясининг атокли намояндаси Мольер Жан-Батист XVII асрнинг энг машхур комедианависларидан бири. Айнан комедия жанрида у яратган “Тартюф, ёхуд алдамчи”, “Дон Жуан”, “Зўраки табиб” сингари ўнлаб пьесалар бугунги кунда ҳам жаҳон театрлари сахналаридан тушгани йўқ. Журналнинг ушбу сониди Мольернинг “Зўраки никоҳ” номли комедияси Муҳиддин Омон ва Ҳошимжон Муродов таржимасида эълон қилинган.

Машхур немиш адиби Эрнест Теодор Амадей Ҳофманнинг “Қиморбознинг толейи” новелласида инсонларнинг машаққатли кечмишлари, рухий, маънавий


қожеалари тасвирланган. Асарни ўзбек тилига Муҳиддин Раҳим таржима қилган. Журналда босилган “Ал-Кабир” номли хикоя муаллифи Борис Чепрунов асарлари ўт-

«Жаҳон адабиёти» 2023 йил март сони

ган асрнинг 20 – 30-йилларида тез-тез чиқиб турган. Ёзувчи атокли ўзбек адиблари Абдулла Қодирий, Чўпон, Усмон Носир ва бошқалар билан дўстона муносабатда бўлган, кўп-лаб ўзбек ижодкорларининг асарларини рус тилига ўтирган. Унинг “Ал-Кабир” хикоясини рус тилидан Азиз Клеблеув таржима қилган. Машхур рус шоири Евгений Евтушенковнинг шеърятидан янги таржималарни

– жавоб берди у томоқ кириб, “Ребус”га бурун қоқиб. – Авваллари, чинданам, бизнинг аник вазифамиз бўларди... Одамларни тўғри йўлдан оздирардик... уларни эзгулик йўлидан чалғитиб, ёмон йўлга солардик... Энди эса, бу вазифа *антир-ну-суади*, бир пулга киммат, тупурдим... Биз тўсатдан эзгу йўлнинг ўзи ҳам қолмади. Ахир, одамлар биздан ҳам маккорроқ бўлиб кетди-да... Улар университетда ҳамма фанларни ўргангач, олов, сув ва бошқа барча синовлардан ўтишган! Мен сизга бир

Маст киши ва хушёр шайтон



сўм ўғирлашни қандай қилиб ўргатай, ахир сиз, менсиз ҳам минглаб сўм ўмариб ётган бўлсангиз!? – Шундайми... Аммо-лекин, аник бирон юмуш билан шуғулланарсиз? – Бизнинг аввалги лавозимларни хозир фақат эслаш мумкин, хар холда, хозир ҳам нималардир қиламан... Чиройли хонимларни йўлдан оздирамиз, ўсмирларга шеър ёздирамиз, маст савдогарларни ойна синдиришга мажбур қиламиз... Сиёсатга, адабиётга,

илм-фанга аралашмай кўйганимизга анча бўлди... Бу борада ўйлашнинг ўзи дахшат... Орамизда кўпчилик “Ребус” билан банд, дўзахга тушгач, одамга айланиб чиққанлар ҳам бор... Бу шайтонлар истейфого чикиб, одам бўлиб, бой савдогар хотинларга уйланиб олиб, хозир давру давронини сурапти... Улардан айримлари адвокат, бошқалари газет чикаради, умуман, ўта ишбилармон ва мухтарам зотлар!

– Авф этасиз мени, қанча маош оласиз? – Ахвол ўша-ўша-а... – жавоб берди шайтон. – Ходимлар жадвали мутлақо ўзгармаган... Эски хаммом, эски тос – уй, уйни ёритиш ва иситиш давлат хисобидан, текин... Ахир, бизга моюна беришмайди-ку, чунки штатдан ташқари хисобидамиз, қолаверса, шайтонлик – фахрий лавозим... Умуман, очигини айтганда, қаерга борма, тирикчилик оғир... Одамларга раҳмат, бизга пора олишни ўргатиб қўйинди, йўкса, аллақачон гадо бўлардик... Биргина шу даромад борки, тирикчимиз... Осий бандаларга ризкинни берасану кийиб қоласан... Иблис ҳам қариди, фақат Цуккини томоша қилишга катнайверди, хозир хисоб-китобга сира тоқати қолмаган...

Лахматов шайтонга бир қадах ароқ қуйиб узатди. У ичиб юборди ва роса мияғовланди. Дўзахнинг бор сир-асрорини очиб ташлади, тўлиб кетган юрагини бўшатди, йинглади... У Лахматовга ёқди шекилли, уйда тунашга олиб қолди. Шайтон печ устида ухлади-ю, тун бўйи алаҳсираб чикди. Эрталабга бориб ғойиб бўлди.

БЎЗБОЛА таржимаси.



ЎЗБЕКISTON
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент - 100083,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили:
uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош
мухаррир
ХУМОЮН
АКБАРОВ

Тахририятга келган қўлёзmalar тахсил этилмади ва муаллифларга қайтарилмади. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи мухаррир Шуҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Ниғора ТОШЕВА

“Шарқ”
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томондан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1029. Буюртма Г - 538.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташиқлотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2303-614X

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.